

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ MOЛИЯ BАЗИPЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**248** «Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб  
чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги  
низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил  
20 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1909-2*

*(2010 йил 30 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (II)-сон), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 232-модда) 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 560-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 10 февралдаги 21, 2009-10-сонли қарори (рўйхат рақами 1909, 2009 йил 24 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 9-сон, 98-модда) билан тасдиқланган «Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2010 йил 14 июль,  
56-сон

**Р. АЗИМОВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2010 йил 14 июль,  
2010-31-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2010 йил 14 июлдаги  
56, 2010-31-сон қарорига  
ИЛОВА

**Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб  
чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
киритиладиган ўзгартиришлар**

1. 5 ва 6-бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«5. Қўшимча фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган объект ҳисобот даврида ҳар бир контракт бўйича аниқланадиган солиқ тўловчининг қўшимча фойдаси ҳисобланади.
6. Солиқ солинадиган база ҳисобот даврида ҳар бир контракт бўйича соф қўшимча фойда ҳисобланади».
2. 8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«8. Солиқ даври — бир ой».
3. 12-бандидан «ортиб борувчи якун билан» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
4. Иловани ушбу ўзгартиришлар иловасига мувофиқ баён қилинсин.

Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб  
чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги  
низомга киритиладиган ўзгартиришларга  
ИЛОВА

Юридик шахс  
штампи

Табиий газга қўшимча фойда солиғини  
ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар) Давлат солиқ инспекциясига  
Солиқ тўловчи \_\_\_\_\_  
(корхона, ташкилотнинг номи)

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Телефон \_\_\_\_\_

Тўловчи манзили \_\_\_\_\_

Ҳисобварақ рақами \_\_\_\_\_  
(банк муассасаси номи, коди)

**Табиий газга қўшимча фойда солиғи  
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўлчов бирлиги	Жами	Жумладан, ҳар бир контракт бўйича алоҳида сумма
Экспортга реализация қилинган табиий газ ҳажми	010	минг куб. м		

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўлчов бирлиги	Жами	Жўмладан, ҳар бир контракт бўйича алоҳида сумма	
Табиий газни экспортга реализация қилиш сана- сидаги АҚШ долларининг сўмга нисбатан курси (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича)	020	сўм			
<b>Экспорт қилинадиган табиий газ 1000 куб. м ҳисобида:</b>					
Реализация қилишдан соф тушум	030	АҚШ долл.			
Ҳисоб-китоб нархи	040	АҚШ долл.			
Кўшимча фойда суммаси (030-сатр – 040-сатр) ижобий фарқ)	050	АҚШ долл.			
Кўшимча фойдага тўғри келадиган қисми бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бюджетдан ташқари Пенсия жамғар- маси, Республика йўл жамғармаси ва бюджет- дан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар, жами _____ % ставкада: (050-сатр x _____ %)	060	АҚШ долл.			
Солиқ солинадиган база (соф кўшимча фойда) (050-сатр – 060-сатр)	070	АҚШ долл.			
Кўшимча фойда солигининг белгиланган ставкаси	080	%			
Жами ҳажмга тўғри келадиган бюджетга тўлана- диган кўшимча фойда солиғи суммаси	090				
(070-сатр x 080-сатр x 010-сатр)	0901	АҚШ долл.			
(0901-сатр x 020-сатр / 1000)	0902	минг сўм			
Жами ҳажмга кўшимча фойда солиғи тўлан- гандан кейин ташкилот тасарруфида қоладиган ва махсус ҳисобварақда жамланадиган сумма (070-сатр x 010-сатр – 0901-сатр)	100	АҚШ долл.			

Раҳбар

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш.)

Бош бухгалтер

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш.)

20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.